



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Одамбоев Дониёр Отабек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 311-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480354>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2025

Accepted: 28th October 2025

Published: 29th October 2025

KEYWORDS

Виктимологик
профилактика, ҳамкорлик,
давлат ва жамоат
тузилмалари, маҳалла,
ижтимоий ҳамкорлик,
ҳуқуқий асослар,
профилактик фаолият.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторининг
виктимологик профилактика фаолиятини самарали
ташkil этишда давлат ва жамоат тузилмалари,
таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла
институтини ҳамда нодавлат ташкилотлар билан
ўзаро ҳамкорлик масалалари ёритилган. Шунингдек,
ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари,
амалдаги тизим ва амалга оширилаётган чора-
тадбирлар таҳлил қилиниб, мавжуд тажриба
умумлаштирилади.

Ҳозирги кунда жамиятда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фуқаролар
хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторларининг фаолияти тобора
муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, виктимологик профилактика — яъни
ҳуқуқбузарликларнинг жабрланувчи омилларини аниқлаш, камайтириш ва бартараф
этишга қаратилган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш бугунги ислохотлар
шароитида долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу йўналишда фақатгина ички
ишлар органларининг куч-саъйи етарли эмас; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш
органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик билан тизимли
ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек,
“**бутун тизимни пастга тушириб, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи
ҳудудга айлантириш**” зарур. Давлат раҳбари маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш,
кибержиноят ва гиёҳвандликка қарши курашиш, видеокузатув тизимларини
такмиллаштириш ҳамда ички ишлар органлари ислохотларига оид тақдимот билан
танишар экан, “**ҳар бир маҳалла жиноятсиз ҳудуд бўлиши керак**”¹ деб қатъий
таъкидлади.

Мазкур сиёсий йўналиш профилактика инспекторларининг виктимологик
профилактика соҳасидаги вазифаларини янги босқичга олиб чиқишни, уларнинг

¹ Шавкат Мирзиёев 2025 йил 8 июль куни маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш ва конун устуворлигини
таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот. <https://president.uz/uz/lists/view/8308>

маҳалла институти ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу сабабли профилактика инспекторининг виктимологик профилактика фаолиятини ташкил этишдаги ҳамкорлик масалаларини илмий асосда таҳлил қилиш ва амалда такомиллаштириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Виктимологик профилактиканинг моҳияти ва уни амалга оширишдаги ҳамкорлик масалалари.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси — бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини амалга оширишга доир фаолиятидир (ЎРҚ-371, 43-модда). Мазкур профилактика тури жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиш эҳтимолини пасайтириш, уларни ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш ҳамда ҳуқуқий ва психологик хавфсизликни таъминлашни назарда тутди.

Виктимологик профилактика чора-тадбирлари (44-модда) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақсадли профилактик ишларни амалга ошириш;
- аҳолига низоларни ҳал этиш усуллари ўргатиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш;
- жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;
- жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;
- жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўладиган жойларни мунтазам назорат қилиш;
- зарурий мудофаа ва охириги зарурат тўғрисидаги маълумотларни аҳоли ўртасида кенг тарқатиш;
- ишонч телефонлари, тезкор алоқа воситалари ва қутқарув хизматларини ташкил этиш;
- профилактика дастурларининг оммавий муҳокамаларини йўлга қўйиш ҳамда замонавий усуллар ҳақида электрон маълумотларни тарқатиш.

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда профилактика инспекторининг фаолияти марказий ўринни эгаллайди. Лекин бу фаолият самарали бўлиши учун унинг турли давлат ва жамоат тузилмалари билан тизимли ҳамкорлиги зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасида профилактикани бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими аниқ белгиланган. Унга қуйидагилар киради:

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Президент давлат хавфсизлик хизмати;
- Миллий гвардия;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

- адлия, божхона, солиқ ва меҳнат органлари;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- соғлиқни сақлаш тизими ва муассасалари;
- Экология қўмитаси органлари;
- Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Шунингдек, қонунчиликда ушбу органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ваколатлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган (Қонуннинг кейинги моддаларига қаранг). Уларнинг ҳар бири виктимологик профилактикада муайян вазифаларни бажаради: таълим муассасалари — ҳуқуқий ва ижтимоий тарбияни кучайтиришда, соғлиқни сақлаш муассасалари — жабрланувчиларни тиббий ва психологик реабилитация қилишда, маҳалла институти ва фуқаролик жамияти — аҳолининг хавфсизликда фаол иштирокини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Амалиётда эса бу ҳамкорлик механизмлари кўп ҳолларда тўлиқ ишламайди ёки тизимли равишда йўлга қўйилмаган. Шу боис профилактика инспектори ушбу ҳамкорликни фаоллаштириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш бўйича ташаббускор бўлиши лозим. Бунинг учун:

- ҳамкор ташкилотларга расмий хатлар ва таклифлар йўллаш;
- юқори турувчи органларга тақдимномалар киритиш орқали муаммоли масалаларни ҳал этишни бошлаш;
- маҳалла ва таълим муассасалари билан доимий ишчи гуруҳлар тузиш;
- жамоатчилик ва ННТларни жалб этган ҳолда қўшма профилактика дастурларини амалга ошириш каби механизмлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Шу тарзда профилактика инспекторининг виктимологик профилактика фаолияти фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан эмас, балки кенг жамоатчилик, таълим, соғлиқни сақлаш ва фуқаролик жамияти институтлари билан интеграциялашган ҳолда амалга оширилса, ҳар бир маҳалла ҳақиқатан ҳам “жиноятчиликдан холи ҳудуд”га айланишига амалий замин яратилади.

Бу йўналишда профилактика инспекторлари соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар амалга оширмоқда. Жумладан, 2025 йил 8 июль куни давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган тақдимотда бу соҳадаги ишлар таҳлил қилинди. Таъкидланишича, ўтган олти ой давомида ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла бўйича манзилли “йўл хариталари” асосида ижтимоий профилактиканинг самарали тизими йўлга қўйилди, жамоат жойларини рақамлаштириш қамрови кенгайтирилди, ҳуқуқ-тартибот олийгоҳлари томонидан илмий-амалий ўрганишлар ўтказилди. Вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар ва оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятчиликни жиловлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 5 200 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят қайд этилмади.

Шу билан бирга, криминоген вазияти оғир маҳаллалар ҳали ҳам мавжудлиги қайд этилди. Президент профилактика инспекторлари, тезкор-қидирув, патруль-пост ва қўриқлаш хизматлари фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ҳолатларига қарши сунъий интеллект ва видеокузатув воситаларини кенг қўллаш, жиноятчиликни илдизи билан бартараф этиш муҳимлиги белгиланди.

Юқорида баён этилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виктимологик йўналишини самарали ташкил этишда маҳалла институти, фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу борада профилактика инспекторларининг ташаббускорлиги, маҳалла аҳлининг фаол иштироки ҳамда давлат органларининг масъулиятини кучайтириш орқали барқарор ижтимоий хавфсизлик муҳитини таъминлаш мумкин.

Ана шундай ёндашув Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳар бир маҳалла жиноятсиз ҳудуд бўлиши керак” деган тамойилида ўз ифодасини топган. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бутун тизимни пастга тушириб, маҳалла даражасида жиноятчиликни жиловлаш, кибержиноятлар ва гиёҳвандликка қарши курашиш, сунъий интеллект ва видеокузатув воситаларини кенг қўллаш орқали “жиноятчиликдан холи ҳудуд” яратиш талаб этилади. Бу эса профилактика инспекторлари фаолиятини нафақат назорат, балки ижтимоий шериклик ва манзилли таъсир чораларига асосланган янги сифат босқичига олиб чиқишни тақозо этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”²ги қарори билан профилактика ишларини ташкил этишнинг аниқ ва самарали механизмлари белгилаб берилди.

Қарорга мувофиқ, профилактика катта инспекторлари бошчилигидаги “маҳалла еттилиги” жойларда таълим муассасалари методикаси асосида ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш ва манзилли ҳисобга олиш ишларини амалга оширади. Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар аъзолар ўртасида номма-ном тақсимланиб, жавобгарлик ҳудудлари белгиланади. Маҳаллаларда содир этилган жиноятлар жойларда муҳокама қилиниб, сабаб ва шароитлар таҳлил қилинади, тегишли таъсир чоралари белгиланади.

Бундан ташқари, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчилари фаолияти КРИ асосида баҳоланиб, ижтимоий профилактикадаги самарадорликка қараб қўшимча рағбат чоралари жорий этилади. Алоҳида тоифадаги шахслар билан манзилли ишлаш тизими кучайтирилиб, жанжалкаш оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиш, суддаги оилаларга ҳуқуқий маслаҳат бериш ва ижтимоий профилактика объектларини биометрик идентификация қилиш каби янги амалий механизмлар жорий этилмоқда.

Шу тариқа, ПҚ-253-сон қарор билан маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар ва виктимизация хавфини олдини олишда давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлигининг институционал асоси мустаҳкамланди. Бу эса профилактика инспекторлари зиммасига нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки виктимологик профилактикани тизимли йўлга қўйиш бўйича ҳам юқори даражадаги масъулият ва ташаббус юклайди..

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори

References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Шавкат Мирзиёев 2025 йил 8 июль куни маҳаллада жиноятчиликни жилавлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот.
<https://president.uz/uz/lists/view/8308>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

